

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш tizimini такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Кейинги йилларда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ва 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш доирасида республикада давлат таълим стандартлари, умумий ўрта таълим ўқув режалари ва дастурлари талай даражада такомиллаштирилди, уларга мувофиқ замон та-

лабларига мос келадиган янги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этилмоқда.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда. Биринчи синф ўқувчиларини, «Меҳрибонлик» уйлари, мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган

мактабларнинг тарбияланувчиларини, шунингдек кам таъминланган oilаларнинг болаларини дарсликлар ҳамда бошқа ўқув қўлланмалари билан бепул таъминлаш тизими жорий этилган. Ўқувчиларни ижара асосида дарсликлар билан таъминлаш тизими синов тариқасида жорий этилмоқда.

(Давоми 2-бетда)



САЛОМАТЛИК ВА НАФОСАТ КЎРИГИ

9 – 12 июн кунлари Қарши шаҳри яна бир нуфузли спорт мусобақасига мезбонлик қилади. Вилоят марказида республика хотин-қизларининг анъанавий спартакиадаси ўтказилади.

ҚЎШИҚЧИ БЎЛАМАН 12 ДЕВ ЎЙЛАМАГАНМАН



АФФОН КЕЛИНИ 4



Саҳифаларда:

ХАТЛАР — ҲАЁТ ОЙНАСИ 3

TV ДАСТУРЛАРИ 5-8

ҚАШҚИР ИЗИДАН 9

ЭЧКИ СУТИ
РАХИТГА ДАВО 10

СКАНВОРД 11



МЕҲРИ ТУЛПОРГА ПАЙВАНД 11

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

(Боши 1-бетда)

Шу билан бирга дарсликларни сотиш механизми аҳолининг уларга бўлган талаб-эҳтиёжини тўла қондиришни ҳисобга олган ҳолда бутун республика ҳудудида чакана савдонинг пухта тизимини ташкил этиш ҳамда уларни нашр этишга буюртманомаларни шакллантириш жараёнига педагоглар жамоатчилиги ва ўқувчиларнинг ота-оналарини кенг жалб этиш йўли билан такомиллаштиришни тақозо этади.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини янада ривожлантириш, уларни нашр этишга буюртманомаларни шакллантириш механизми ҳамда ижара тизимини, шунингдек дарсликлар чакана савдоси кенг тармоғини ташкил қилишни такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этишга буюртманомалар тўпламини шакллантиришнинг янги механизмининг жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин, бунда дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни чиқариш ва сотишга йиллик прогноз квоталари педагоглар жамоатчилиги ва ўқувчиларнинг ота-оналарини иштирокида ҳар йили ўтказиладиган иxtисослаштирилган китоб кўргазма-ярмаркалари, шунингдек умумтаълим мактаблари кутубхона фондларини хатловдан ўтказиш натижасида белгиланади.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «Ўзкитобсавдо» ДАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили октябр-ноябр ойларида барча вилоят марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳарларида умумтаълим мактаблари учун кейинги ўқув йилига мўлжалланган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг иxtисослаштирилган кўргазма-ярмаркаларини ташкил қилсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда умумтаълим мактаблари биринчи синфларининг ўқувчилари учун дарсликлар ҳар йили, 2-4-синфлар учун — икки йилда бир марта ва 5-9-синфлар учун — тўрт йилда бир марта янгиланади.

Узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари ҳамда дарсликларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича ҳукумат комиссияси (Р.С. Қосимов) умумтаълим мактаблари учун янги ўқув режалари, дарсликларни экспертизадан ўтказиш ва маъқуллаш чоғида дарсликларни янгиланишнинг белгиланган муддатига риоя этилиши ҳамда уларнинг мазмуни асоссиз ўзгартирилишига барҳам берилишига алоҳида эътибор қаратсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳар йили 1 декабрдан кейинги ўқув йилига тавсия

этиладиган дарсликлар рўхатини, шунингдек янгиланган вариантлари чиқарилгани муносабати билан беқор қилинган дарсликлар рўхатини ота-оналарга маълум қилишни;

умумтаълим мактаблари кутубхона фондларининг зарур дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминланганлигини, шунингдек утилизация қилинадиган жисмоний ва маънавий эскирган дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни аниқлаш мақсадида мазкур кутубхона фондларини хатловдан ўтказишни;

навбатдаги ўқув йили учун ўқитиладиган тиллар, номлар ва синфларга қараб умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг иxtисослаштирилган ярмаркалари, педагоглар жамоатчилиги ва ўқувчиларнинг ота-оналарини фикрини ўрганиш, шунингдек хатловдан ўтказиш натижалари асосида предметлар бўйича дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмалар чиқариш ва сотишга прогноз квоталари шакллантирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан дарсликларни ярмаркаларда тузилган шартномалар бўйича чакана савдо тармоғи орқали эркин сотишни ҳисобга олган ҳолда ҳар йили шакллантириладиган прогноз квоталари асосида ҳар йили 1 июлга қадар зарур ҳажмлар ва номлардаги дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмалар чиқарилишини ташкил этишни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларининг нашриёт расмийлаштируви ва матбаа ижроси давлат стандартини белгиланган тартибда қайта кўриб чиқсин ва қайтадан тасдиқласин, уларнинг санитария-гигиена нормаларига мувофиқлиги ҳамда белгиланган фойдаланиш муддати довомида тегишли жисмоний ҳолатини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда уларни нашр этиш чоғида фойдаланадиган қоғоз ҳамда бошқа матбаа материалларининг сифат кўрсаткичларига нисбатан талаблар оширилишига алоҳида эътибор қаратсин;

матбаа корхоналарида ўрнатилган стандартларга риоя этилиши устидан самарали ички назорат механизмининг жорий этсин.

5. «Ўзкитобсавдо» ДАК Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда шаҳарлар ва туман марказларида аҳолига дарсликлар сотиш учун иxtисослаштирилган ярмарка-савдо шохобчалари ташкил этилишини таъминласин, шунингдек олис аҳоли пунктларида дарсликлар чакана савдосини ташкиллаштириш чора-тадбирларини қабул қилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг умумтаълим мактаблари кутубхона фондларидан ўқувчиларга дарсликлар

ни иxtиёрийлик асосида ижарага бериш тўғрисидаги таклифи розилик берилсин.

2006 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб Умумтаълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси маблағлари ҳисобига кутубхоначиларнинг тариф ставкасига мансаб маошининг 20 фоизига миқдорда вақтинчалик устама ҳақ белгилаш воситасида кутубхона фонди сақлалиши учун ходимларни рағбатлантириш механизми жорий этилсин.

Бунда шу нарса назарда тутилсинки, кутубхоналардаги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни сақлаш учун тегишли шарт-шароитларни таъминлаш ҳамда ўқувчилар ўртасида дарсликларни авайлаб асраш тўғрисида ривожлантиришга йўналтирилган тарбиявий ишлар олиб борилишини ташкил этиш умумтаълим мактаблари кутубхоначилари ишининг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда қуйидагилар назарда тутилсин:

умумтаълим мактабларининг кутубхона фондлари учун ҳамда ярмарка савдоси ва чакана савдо тармоғи орқали эркин сотиш учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар тайёрлашга буюртманомани шакллантириш ва бажариш;

умумтаълим мактабларининг айрим тоифадаги ўқувчиларини давлат бюджети маблағлари ҳисобига дарсликлар билан аниқ таъминлаш;

дарсликларни ижарага бериш тартиби;

кутубхоналардаги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни сақлаш учун тегишли шарт-шароитларни таъминлаш ҳамда ўқувчилар ўртасида дарсликларни авайлаб асраш тўғрисида ривожлантиришга йўналтирилган тарбиявий ишлар олиб борилишини ташкил этиш умумтаълим мактаблари кутубхоначилари меҳнати натижаларига баҳо бериш мезонлари;

фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни утилизация қилиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда дарсликларнинг нархи ва уларни етказиб бериш билан боғлиқ сарф-харажатлар сунъий равишда оширилишига йўл қўймаслик устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Р.С. Қосимов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Тошкент шаҳри, 2006 йил 31 май

И.КАРИМОВ

Хотин-қизлар спартакиадаси



САЛОМАТЛИК ВА НАФОСАТ КЎРИГИ

Қашқадарёликлар қизгин беллашувлар, ўзаро ҳурмат ва самимият руҳида ўтказилган «Умид ниҳоллари — 2006» мусобақалари республика босқичининг таассуротлари билан яшамокдалар. Уч мингдан ортик киши қатнашган спорт ўйинларида ёшларимиз ўзларининг эпчилликлари ва маҳоратларини намойиш этиб, катта совринлар ва киммат-баҳо совғалар билан тақдирландилар.

9 — 12 июн кунлари Қарши шаҳри яна бир нуфузли спорт мусобақасига мезбонлик қилади. Вилоят марказида республика хотин-қизларининг аънавий спартакиадаси ўтказилади. Вилоятда бу муҳим тадбирга пухта ҳозирлик қўрилаяпти.

Республикамиз бўйича уч босқичда ўтадиган хотин-қизлар спартакиадасининг вилоят босқичларида 35 мингга яқин хотин-қиз қатнашади. Шаҳрисабз, Қарши шаҳарлари, Яккабоғ, Фузор, Муборак, Косон, Қарши, Чирокчи, Қамаш, Нишон каби туманларда бу муҳим тадбир юксак уюшқоқлик билан ўтди.

Хотин-қизларнинг аънавий республика спартакиадасида мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудидан келган қатнашчилар спортнинг волейбол, стритбол, стол тенниси, сузиш, шахмат-шашка, енгил атлетика, аркон тортиш турлари бўйича баҳслашишади. Мусобақалар «Насиф» ўйингоҳида, Қарши Давлат университетининг академик лицей, Қарши Олимпия заҳиралари спорт коллежининг сузиш ҳавзаси, банк ва ахборот технологиялар коллежлари спорт залларида ўтказилади.

Спортчи аёллар Қарши Давлат университетининг шинам, барча қулайликларга эга бўлган ётоқхоналарига жойлаштирилади. Ташкилий қўмита йиғилиши ўтказилиб, тадбир билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинапти. Мусобақаларнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимларида мактаб ўқувчиларидан ташқари, ўқитувчилар ҳам иштирок этадилар. Бош режиссёр Рустам Шамсидинов ҳар куни Қарши санъат коллежидан тайёргарлик ишларини олиб бормоқда. Қашқадарёликлар спорт маликаларини орзиқиб кутмоқда.

Иzzат ҲИКМАТОВ, Шавкат СУЛТОНОВ, «Ишонч» махсус мухбирлари

Суратларда: қашқадарёлик спортчи хотин-қизлар.



Фуқаролар йиғинларида сайлов

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТМОҚДА

Нукус шаҳрида фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Шаҳарда 44 та фуқаролар йиғини бўлиб, бугунги кунда 20 дан ортик фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайланди.

Суратда: (Ўртада) маҳалла раиси Сейтмуратова Ирина йиғин аъзолари Нурқасим Мамбетмуратов ва Роза Палўаниязова.

Б.АЛЛАШЕВ (ЎЗА) олган сурат



Хатлар — Ҳаёт ойнаси

Газета ва газетхон

Ҳиммат

КАМ ТАЪМИНЛАНГАНЛАР фермер оталигида

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириб, истеъмолат бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш ва четга чиқариш бозор иқтисодининг асосий талабларидан бири. Қорақалпоғистон Республикасида бу борада ибратли ишлаб қўламини тобора кенгайтириб, қишлоқ хўжалиги соҳаларидан бўшаб қолган ишчи кучи бизнес-режа бўйича сановатга йўналтирилмоқда.

Даставвал ички имкониятлар ўрганилиб, тадбиркорларни молиялаштириш ва уларга зарур шароитлар яратиб беришга эътибор қаратилди. Банклардан олинаётган кредитларнинг мақсадли ишлатилиши таъминланди. Натижада тадбиркорларнинг иши кундан-кунга ривожланмоқда.

Масалан, Беруний туманидаги "Мақсуд" фермер хўжалиги агро-сановат мажмуидан мўл маҳсулот етиштириш қаторида кичик сановат корхоналарини ҳам ишга тушириб, аҳоли талаб-эҳтиёжини қондираётди. Хусусан, бу ерда нон ва нон маҳсулотларини қайта ишлаш линияси ишга туширилди. Ҳозирги кунда ана шу кичик корхонада ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотдан туман аҳоли манфаат кўраётди. Ишлаб топилган маблагнинг бир қисми корхонани кенгайтиришга йўналтирилади бўлса, яна бир қисми саховатли ишларга сарфланаётди. Чунинчи, яқинда "Шоббоз" фермерлар уюшмаси тасарруфидаги иккита кўча асфальтланиб, аҳолига қулайлик яратилди. Бундан ташқари 6 та кам таъминланган хонадон оталиққа олинди.

Меҳри ЖУМАОЕВА,
Беруний тумани

Тахририятга хат

БИРОВНИНГ УЙИ БОҒЧА БЎЛАРМИДИ

Бундан беш йил муқаддам туманимизнинг Аэродром маҳалласида жойлашган "Наврўз" болалар боғчаси ер қимирлаши туфайли жиддий талофот кўрган эди.

Айни пайтда боғча бу ердан бошқа жойга кўчиб кетган Мавлон Тулбоев деган кишининг ҳовлисида иш фаолиятини давом эттирмоқда. Туман халқ таълими бўлими ва боғча мудираси Гулбаҳор Санаеванинг елиб-югуриши натижасида мактабгача тарбия муассасасига 60 нафар бола қабул қилиниб, 4 та гуруҳ ташкил этилди. Мавжуд имкониятдан келиб чиқиб таълим-тарбия ишларини яхшилаш чора-тадбирлари кўриляпти.

Бироқ хоналарнинг торлиги, ошхона жиҳозлари етишмаслиги, машғулотлар ўтказишда жиддий қийинчиликларни туғдираётди.

Боғча раҳбариятининг саъй-ҳаракати билан 75 ўринли мактабгача тарбия муассасасининг лойиҳа ҳужжатлари тайёрланганига ҳам анча вақт бўлди. Шунга қарамай, молиявий тақчиллик ва маблағ етишмаслиги баҳонасида қурилиш ишларини бошлаш пайсалга солиб келинаётди.

Болалар — келажакимиз. Уларга етарлича шароитлар яратиб бериш эса ўз кўлимизда. Тўғри, бу борада баъзи қийинчиликлар ҳам бўлиши мумкин. Бироқ уни четдан ҳеч ким келиб ҳал этиб бермайди. Шундай экан, мутасаддилар масалага оқилона ёндошишса, фойдадан холи бўлмасди. Зеро, фарзандларимиз бировнинг ташландиқ уйида эмас, замонавий ва шинам жойларда тарбия топиши лозим.

Феруза НАЗАРОВА,
Дехқонобод туманидаги
1-ўрта мактаб ўқитувчиси



Фарғона шаҳар ижтимоий таъминот бўлими тасарруфидаги "Саховат уйи"да нафақат водий, балки республикамизнинг кўплаб ҳудудларидан келган, турли касалликларга чалинган, ногирон, кўзи ожиз, яқка-ёлғиз ва ўзгалар ёрдамига муҳтож қариялар яшашиди. Уларнинг фаровон турмуш кечиришлари ва кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришлари учун

минлаш қаторида ўзини ўзи моддий қўллашга ҳам имкон бермоқда. Барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, сархил мевалар шу жойнинг ўзида етиштирилади. Бу эса ортиқча сарф-харажат ва чиқимга барҳам бераётди. Бундан ташқари бу ерда истиқомат қилаётганлар

Мурувват

САХОВАТДАН БАРЧА МАМНУН

барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, дам олиш, замонавий тиббий ускуналар билан таъминланган муолажа хоналари, ошхона, спорт иншоотлари отахону онахонлар хизматида.

"Саховат уйи" тасарруфида тўрт гектардан зиёд майдон бўлиб, одамларнинг кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришини таъ-

учун водийдаги хушманзара жойларга тез-тез саёҳатлар ҳам уюштирилиб, санъаткор ва ижодкорлар билан учрашувлар ўтказилиши одатга айланган. Нурунийлар ўзларига кўрсатилаётган бе-миннат ғамхўрликдан ҳамisha миннатдор.

Остонакул МАМАТОВ,
Фарғона шаҳри

Савол: почтада 31 йил ишладим. Имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?

С.СУЛТОНОВ,

Шаҳрихон почта алоқаси бўлимининг ходими
Жавоб: Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги қарори билан тасдиқланган ва ёшга доир пенсияга имтиёзли равишда чиқиш ҳуқуқини берадиган касблар, ишлар ва лавозимлар рўйхатида почта алоқаси ходимлари, шу жумладан, сараловчи, кузатувчи, оператор ва бошқа шу каби касбларда ишловчилар назарда тутилмаган.

Шу сабабли, Сизга умумий асосларда яъни, 60 ёшдан пенсия тайинланади.

А.АХМЕДОВ,
ҳуқуқшунос

Жавоб

МАБЛАҒ АЖРАТИБ БЕРИЛДИ

Жалақудук тумани ўроқчитепа маҳалла фуқаролар йиғини тасарруфидаги "Темир йўл" кўчасида яшовчи бир гуруҳ фуқаро хонадонларида ерости суви кўтарилиши натижасида аҳоли зарар кўрган. Уларни бошқа жойга кўчириш учун туман ҳокимининг 2003 йилда фармойиши чиққан; Инвентаризациялаш бўлими турар-жойларни баҳолаб кетган бўлса-да, аммо уч йилдан буён шу маблағ тўланмаётгани учун учтепалликлар газетга мурожаат этишганди.

Ушбу масала муҳбиримиз томонидан жойида ўрганилганда, қайд этилган далилларнинг аксарияти тўғри эканлиги аниқланди. Бироқ танқидий мақола чоп этилмасдан, ушбу муаммони ҳал этиш вилоятдаги мутасаддилар ҳукмига ҳавола этилди. Яқинда тахририятга ана шу мактуб юзасидан жавоб келди. Унда шундай дейилади:

"Ҳақиқатдан ҳам мазкур маҳаллада яшовчи 31 та хонадонда ерости сизот суви кўтарилиши натижасида жиддий зарар кўрган оилаларни кўчириш ва уларга уй-жой қуриб олиш учун ер-участкалари ажратиб бериш тўғрисида туман ҳокимининг фармойиши қабул қилинган. 26 та хонадон соҳиблари ушбу ҳужжатда кўзда тутилган барча имтиёزلардан фойдаланишган. Бироқ еттита хонадон эгалари инвентаризация бўлими нархлаб берган маблагнинг 50 фоизини ўша кезларда олиб, маҳаллий бюджетга киритилмаганлиги сабабли уларнинг қолган пуллари шу вақтгача берилмаган эди. Туман маҳаллий бюджетининг биринчи чораги ҳисобидан ариза муаллифларининг барчасига тегишли маблағ тўлаб берилди".

А. ЭШМУРОТОВ,
Жалақудук тумани ҳокимининг
биринчи ўринбосари

Муштарий илҳоми

МЕҲР ҚЎШИҒИ

Маънос нигоҳинг намланар,
Дарду ғам жондан ўтганда.
Туғишганларинг жамланар,
Бошинг ёстиққа етганда.

Қариндошинг-қадрдонинг,
Оғрисанг, куяди жони,
Оғайнинг — кўнглинг султони,
Бошинг ёстиққа етганда.

Ўрнин ҳеч ким босолмайди,
Йўлин бўрон тўсолмайди,
Югуриб-елиб толмайди,
Бошинг ёстиққа етганда.

Қадрла, тирик чоғида,
Юрсин меҳр кучоғида,
Асра, кўзинг қароғида,
Бошинг ёстиққа етганда.

Кўзингни оч, боқ оламга,
Фанимат одам-одамга,
Яқинларни қўйма ғамга,
Бошинг ёстиққа етганда.

Бу дунё бевафо дерлар,
Қилма жабру-жафо дерлар,
Охиратда жазо дерлар,
Бошинг ёстиққа етганда.

Омон АБДУЛЛАЕВ,
Шофиркон тумани



Миннатдорлик

Мустақиллик туфайли ҳар йил муҳим бир санага йўналтирилади. Ҳомийлар ва шифокорлар йилини ҳам ана шу анъананинг мантиқий давоми, дейиш мумкин. Шу муносабат билан шифокорларда масъулият янада ортганини бошимга ташвиш тушганида билдим.

Бир неча йиллардан буён Ғузур туманидаги 3-ўрта мактабда ёш авлодга таълим-тарбия бериш би-

ШИФОКОРЛАРГА РАҲМАТ

лан бирга, жамоа касаба уюшма кўмитаси раисиман. Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишларини билардим-у, аммо инсон ҳаётини сақлаб қолишдек муҳим масъулиятнинг юки қандай бўлишини тасаввур ҳам қилмаган эканман.

Яқинда оғир дардга чалиниб, шифокорларга мурожаат этдим. Улар тахассис кўйишигач, зудлик билан даволанмасам бўлмаслигини айтишди. Шундан сўнг туман марказий шифохонасига ётқизишиб, муолажани бошлашди. Карамали Элмуродов, Олим Шомуродов, Фарҳод Нормўминов, Ўрол Жамилов, Дилишод Нуруллаев, Чарос Турсунова каби мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли қайта оёққа турдим, меҳрибон оилам ва қадрдон жамоам бағрига қайтдим.

Одамлар саккиз соат меҳнатдан сўнг ўз оиласи, фарзандлари бағрида дам олади, ҳордиқ чиқаради, бироқ ярим тунда ҳам шифокорлар ҳаловат билмаслигини ўшанда ўз кўзим билан кўрдим...

Раҳматулла САТТОРОВ

Саҳифани Абдусами
ҲАҚБЕРДИЕВ тайёрлади

Баҳор бошларида зарурат юзасидан Термизга йўлимиз тушди. Йўлнинг ҳар икки томонида қаторлашган биноларни, эндигина япроқ ёзиб келаётган дарахтларни, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг экинзор далаларини, кейинроқ эса ҳар икки томонга дастурхондек ёзилган чўл кенглари томоша қилиш ҳам зериктирди. Кун бўйи йўл босганимиздан ва оёқда турганимизданми, толиқиш ҳам ўз кучини кўрсатди. Уйку босди. Лекин қовқарининг гунгиллашидек ортимиздан эшитилаётган овоз ухлагга ҳалақит берар, кўшни йўловчиларнинг гапи сира тугамасди.

— Тожикчани билганимда сўхбатни эртанги кунга қолдиришларини илтимос қилган бўлардим, — деди бундан норози бўлган рафиқам Махфиратхон атайлаб уларга етиб борадиган оҳангда.

Бу гап ёнгинамизда ўтирган икки йўловчи қизга ҳам бориб етган экан:

— Улар тожик эмас, афгонлар, — бизга қараб деди четдагиси ва иккимизни ҳам ҳайратга солиб ўша тилда уларга нимадир шивирлаб ишора қилди. Қизлар билан танишувимиз шундай бошланди...

Автобусда кетиб боряпман-у бир савол мени ўйлантиради. Бу қиз афгончани қаерда ўрганган? Ёки Шарқшунослик институтини тугатганми? Кўринишидан бунга ўхшамасди. Афғонистондан келиб Тошкентда ўқиётган қизлардан бўлса керак, деб ўйлашга ҳам асос йўқ. Уларни ажрата биламан, шеvasидан дарров пайқаш мумкин.

Тун ярмида Ўзбекистон билан Тожикистон оралигидаги Пачкамар сув омбори яқинида тўхтадик. Автобус ҳайдовчилари тўғри йўл тутишади. Етти-саккиз соат йўргакланган чақалоқдек ўриндикда михланиб кетишдан оёқлар увишиб, бел қотиб қолар экан. Қолаверса, бу ерда одатдаги кечки овқатланиш ўрнини ҳам тўғрилиб олиш мумкин эди. Автобусдаги икки-уч оғиз гап яқинлаштирганиданми, қизлар биз билан биргаликда дастурхонга ўтиришди. Сал олдин бошимни қотирган саволларга шу ерда жавоб олишга уриндим. Омадни қарангки, автобусда ортимиздаги йўловчиларга илтимосимизни етказган қиз (тўғрироғи аёл) бизга деярли ҳамюрт экан. Бу эса кўнгилдаги гапларни очикроқ айтишга кўмаклашди.

Маъсуда (айрим сабабларга кўра қаҳрамонимиз исмларини ўзгартирдик) Кўшни мамлакатдаги шаҳарчада туғилиб ўсди. Мактабни ҳам шу ерда тамомлади. Ягона орзуси тўқимачилик саноати муҳандиси бўлиш ва шаҳридаги тикувчилик фабрикасига келиб ишлаш эди.

Лекин ҳаётнинг ўз қонуниятлари бўлар экан. Маъсуда имтиҳонлардан ўтди-ю, қабул комиссияси бали етмагани учун ўқишга қабул қилмади. Бир-икки йил ишлаб шу соҳадаги меҳнат кўникмаси билан келишни маслаҳат беришди. Бахтига ундан анча олдин ўзи орзу қилган институтни тугаллаган орасида шу ерга турмушга чиққан ва тўқимачилик корхонасида меҳнат қилаётган эди.

Майли, ўзим ишга жойлаштириб кўяман, — деди у синглисини юпатиб. — Меҳнат кўникмаси дейишса, кўникма оласан. Икки йил фурсат ҳам кўз очиб юмгунча ўтади-кетди-да!

Шу тариқа Маъсуда пойтахтда қолди ва ораси айтган жойда ишлаб бошлади. Иши ўзига ёқар, маоши ҳам уни қониқтирарди.

Ҳамма нарса тўқимачилик институти бир гуруҳ талабаларининг корхонага ишлаб чиқариш амалиёти ўташга келишидан бошланди. Талабалар орасида туташ қошли, кўзлари чақнаб турадиган Мақсуд исмли афгон йигит ҳам бор эди. Уни Маъсудага ёрдамчи сифатида бирктиби кўйишди. Мақсуд ўзбек тилини анча ўрганиб олган, техникани бошқаришни ҳам дурустгина уқдаларди. Бора-бора кечки сменаларда Маъсудани уйига куза-

тиб кўядиган, ҳатто, кинога, баъзан эса концертларга таклиф қиладиган бўлиб қолди.

Ширин сўз, гапга чечан йигит то-

Тақдир оғизмоқлари

АФҒОН КЕЛИНИ

бора Маъсудага ёқиб борар, ундан ўзини олиб қочишга ҳар қанча уринмасин, бунинг уддасидан чиқа олмасди.

Мақсудларнинг амалиёт муддати тугаган бўлса-да, гоҳо Маъсуданинг ишдан чиқишини пойлаб турарди.

Гоҳо, ўрта мактабни тугатганига икки йил тўлаётган, балоғатга етган қизларга хос босган қадамини мулоҳаза қилмаётган қиз афгон йигити билан ораларида юз бераётган яқинлашувни, очикроғи, уни севиб қолаётганлигини, узокроқ учрашмай қолишса, кўмсаётганлигини, ҳар сафар сменадан қайтишда кўзлари беихтиёр атрофга аланглаб уни излаётганини пайқаб ваҳимага тушар эди. Ахир, у хориж фуқароси-ку!

Охири, бир кун кинотеатрдан чиқиб Маъсудани уйга кузатаётган Мақсуд гап очди:

— Тақдирни қарагин, икковимиз деярли адаш эканмиз, кўнглимиз ҳам яқин, шундай эмасми?

Маъсуда қандай жавоб қайтаришни билмасди. Мақсуд давом этди: — Шу "деярли" деган сўзга барҳам бериб кўя қолмаймизмиз?

Яна пича фурсат сукутдан кейин Маъсуда оғир тин олиб жавоб қайтарди:

— Мақсуд ака, шу тўғрида мен ҳам кўп ўйлайман. Лекин, жудаям кўп саволларга жавоб топа олмайман. Сиз

ўқишни тугаллаб юртингизга кетасиз. Мен эса бу ерда қоламан. Агар ҳўп десангиз, бундай гапларни бас қилайлик!

Маъсуда чироқ шуъласида аниқ кўрди, йигитнинг кўзлари ёшга тўлган эди. Унинг айтганларига Мақсуд бир оғиз кўшимча қилмади. Хайрлашмади ҳам, анчагача киприкларига илинган ёш томчиларини артмасдан қизга тикилиб турди-да, шарт ортига бурилди ва кетди. Маъсуда эса шу кеч ҳеч кимга билдирмай йиғлади...

Ҳаёт қизиқ-да! Гоҳо, бирон нарса ни орзу қиласан, унинг амалга ошмаслигини ўзинг билиб турасан, аммо барибир умид сени тарк этмайди, кўнглингда алланимадир тинимсиз милтиллай беради. Маъсуда Мақсуд унинг сменадан қайтишини ортиқ кутмаслигини билса-да, барибир, корхона дарвозасидан чиқишда атрофга аланглаб кўяр, юракдан кимнидир кумсар, Мақсуднинг афғонча талаффузида айтадиган ширин гапларини

— Ўксинма, — деди Мақсуд. — Барчанинг олий маълумот олиши шарт эмас. Бир ўшоти ишлаб турибсан. Боламиз туғилгач, астойдилроқ ҳаракат қиларсан.

Ҳақиқатан ҳам бу вақтга келиб Маъсуда ҳомиладор эди. Ишдан таътил беришди. Яна бир қувончли томони, корхона томонидан бир хонали бўлса-да, алоҳида квартира ажратилди. Фарзандлари туғилгач, икки хонали уй олишлари мумкинлигини шаъма қилишди.

Ниҳоят фарзанд ҳам дунёга келди. Икки ёшнинг қувончлари чексиз эди. Мақсуд ишлаб топганининг бир қисмини ватандошлари орқали уйига жўнатар, қолганини оиласига сарфларди. Қизлари Нигора бир ярим ёшга кириб тинимсиз бижиллашга тушган маҳалда, Мақсуд яна янги гап топиб келди.

— Отам оғир бетоб эмиш, — деди хўрсиниб. — Укамнинг қанақа аҳволдалигидан хабаринг бор. Агар бирон кори-ҳол юз берса, ўзимни сира кечирмайман!

— Ихтиёр ўзингизда, — деди Маъсуда эрининг аҳволини ҳис этиб. — Мен сизга боринг ҳам, қолинг ҳам дея олмайман. Ота-онангиз сизни ўстириб тарбиялаган, вояга етказган. Фақат бизни, оиламизни унутмасангиз бас!

— Бу гапларни айтишга қандай тилинг борди? Сизларсиз ҳаёт-ҳаёт эмас менга! Шу куннинг эртасига, тонг саҳарда Маъсуда Мақсудни Термизга қатнайдиغان автобусга кузатиб

кўйди...

Орадан тўққиз ойдан ортиқ фурсат ўтди, аммо Мақсуддан на хат, на хабар бўлди. Бунинг устига Мақсуднинг юртдошларидан келаётган ғалати-ғалати, ҳам ишонса бўладиган, ҳам ишониб бўлмайдиган гаплар Маъсудани чарчатди. Баъзилар "отаси вафот этгач, сал ўтмай машина уриб кетган ногиронга айланган укаси ҳам оламдан ўтибди, ёлғиз қолган касалманд онасини ташлаб келишга кўнгли бўлмаётган эмиш", деса, бошқаси яна ҳам шубҳали хабарларни олиб келди.

— Бу гапларнинг қайси бири рост, қай бири ёлғонлигини билиш учун, қолаверса, қизимнинг "дадалаб" ҳархаша қила бериши жонимга тегиб, опамга қолдирдим-да, йўлга чиқдим.

Маъсуданинг ўктамлиги мени қойил қолдиради, ҳам хавотирга солади.

— Мақсуднинг манзилгоҳини аниқ биласизми? — сўрайман беихтиёр қизиқиб

— Биламан. Ҳирот шаҳри яқинидаги Шиворгон деган шаҳарда яшашади. — Кейин кўшиб кўйди. — Сизнинг орқа томонингизда ўтирган афгонлар ва ёнимдаги қиз ҳамроҳларим. Улар эримни топиб берадиган бўлишди.

Тонг ёришиб, куёш чиққанида Термизга яқинлашиб қолган эдик. Катта йўлдан салгина нарида Амударё ёйилиб оқарди. Сарғимтир тўлқинлар узра сув қушлари парвоз қилишарди. Маъсуданинг дарё ортига хомуш тикилиб қолганини кўрдим.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири



1 TV ДАСТУРИ

5 - 11 июн

Душанба

5

O'ZBEKISTON

- 5.55 Курсатулар дастури.
- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 8.00-8.45 "Тахлилнома".
- 8.50 Олтин мерос.
- 9.00 "Олам ва одам" дастури: "Коинот бўйлаб саёхат". 2-қисм.
- 9.45 "Камалак" экрани.
- 10.35 Д. Зокиров номидаги халқ чогулган оркестрининг концерти.
- 10.55 "Сизнинг адвокатингиз".
- 11.00 "Ахборот".
- 11.15 "Омон бўлинг".
- 11.20 "Ақл ва идрок".
- 11.45 ТВ анонс.
- 11.50 "Донишманд Натан". Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
- 12.55 "Донишманд Натан". Спектакль. 2-қисм.
- 13.50 Олтин мерос.
- 14.00 "Ахборот".
- 14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
- 15.20 Бутун жаҳон атроф-муҳитни муҳофаз қилиш кўнига. "Оддий ҳақиқатлар".
- 16.15 "Одами эрсанг...".
- 16.35 "Эртақлар - яхшиликка етаклар".
- 17.00 "Ахборот".
- 17.15 Олтин мерос.
- 17.25 "Равнак" студияси намойиш этади.
- 17.40 "Умр мазмуни". 1-қисм.
- 18.00 "Оҳанглар оғушида".
- 18.20 "Бог". Видеофильм. 1-қисм.
- 19.05 Бутун жаҳон атроф-муҳитни муҳофаз қилиш кўнига: "Табиатни асранг". Видеофильм.
- 19.20 Биржа ва банк хабарлари.
- 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
- 19.30 "Ахборот" (рус тилида)
- 20.00 ТВ анонс.
- 20.05 "Омон бўлинг".
- 20.10 "Ишқ эртаги". Телесериал премьераси.
- 21.00 "Ахборот".
- 21.40 "Бир ўлка-ки...".
- 22.00 "Ез ифори". Телесериал.
- 23.10 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)

23.20 "Олам ва одам" дастури: "Туюқлилар". 00.10-00.15 Тунги наволар.

YOSHLAR

- 16.00 Давр.
- 16.15 Кино SMS.
- 16.20 Шум болалар.
- 16.30 Истёвмолчи учун қўлланма.
- 16.45 Оила-муҳаддас маскан.
- 16.50 Билганингиз фойда...
- 17.05 Давр репортаж.
- 17.15 Ёшлар овози.
- 17.30 SMS-кинотанлов.
- 17.35 Мусиқий лаҳзалар.
- 17.45 UzEX хабарлари (инглиз тилида)
- 17.55 Анонслар.
- 18.00 "Шамолларда қолган хисларим". Бадний фильм 1-қисм.
- 18.45 UzEX хабарлари (рус тилида)
- 18.55 Иқлим.
- 19.00 Давр.
- 19.35 Анонслар.
- 19.40 CINEMANIYA.
- 20.00 Спорт-лото.
- 20.10 UzEX хабарлари.
- 20.20 Ракурс.
- 20.35 Ёшлик наволари.
- 20.55 Эълонлар.
- 21.00 "Лафа". Телевизион бадний фильм 1-қисм. (O'zbektelefilm)
- 21.45 Кино SMS.
- 21.50 Мусиқий лаҳза.
- 21.55 Иқлим.
- 22.00 Давр.
- 22.35 Кино SMS.
- 22.40 "YOSHLAR" да спорт дастури: Интер-футбол.
- 0.20 - 0.25 Орзулар бекати.

TOSHKENT

- 18.05 Курсатулар тартиби.
- 18.15 "Болажонлар экрани".
- 18.30 "Пойтахт". /рус/.
- 18.50 "23, 5 даражали бурчак остида" Хужжатли телесериал.
- 19.15 Бутун жаҳон атроф-муҳитни муҳофаз қилиш кўнига. "Саломат бўлинг". /рус/.

- 19.30 "Табриклаймиз- кутлаймиз".
- 20.00 "Пойтахт".
- 20.25 "Камила". Телесериал.
- 20.45, 21.20 "Телекурер маркет".
- 20.55 "ТВ юрист".
- 21.00 "Оқшом наволари".
- 21.30 "Журналист тахлили".
- 21.50 "Моҳир" /рус/.
- 22.20 Бутун жаҳон атроф-муҳитни муҳофаз қилиш кўнига: "Мулоҳоза учун мавзу".
- 22.55 Алп Жамол "Тойчоқ". Видеофильм. 4-5 қисмлар.
- 23.55-24.00 "Хайрли тун, шаҳрим".

SPORT-TV

- 7.00 "Бодрое утро".
- 8.00 "Версия". Информационно-аналитическая программа.
- 8.30 Мультфильм.
- 9.00 "Талқин". Информационно-таҳлилий курсатува.
- 9.30 Ўзбекистонда каратэ. "O'zbektelefilm".
- 10.00 Теннис. Ролан-гаррос.
- 10.50 "Живые легенды моря". Док. фильм.
- 11.15-12.10 "Талисман". Сериал.
- 18.00 "Болалар спорти".
- 18.15 Мультфильм.
- 18.30 "Хабарлар" (Рус тилида)
- 18.50 "Жди меня".
- 20.00 "Вести".
- 20.30 "Футбол шаҳри".
- 20.50 "Спортимиз маликалари".
- 21.15 "Тет-а-тет".
- 21.30 "Хабарлар".
- 21.50 "Срочный вылет". Сериал.
- 22.40 "Проф-РИНГ".
- 23.30 "Тунингиз осуда бўлсин"

ПЕРВЫЙ

- 4.55 Телеканал "Доброе утро"
- 8.00 Новости
- 8.05 Телеканал "Доброе утро"
- 8.35 "Убойная сила". Многосерийный фильм
- 9.30 "Детективы"
- 10.00 "Малахов +"
- 11.00 Новости
- 11.15 Сериал "Талисман"
- 12.10 Ольга Аросева, Евгений Весник в музыкальной комедии "Трембита"
- 14.20 "Лолита. Без комплексов"
- 15.10 "Доктор Курпатов"
- 15.50 "Федеральный судья"
- 17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
- 17.10 "Криминальная Россия". "Оперуполномоченный гвардья", 1-я серия
- 17.45 "Любовь как любовь". Многосерийный фильм
- 18.50 "Жди меня"
- 20.00 Время
- 20.30 Премьера. "Мошеники". Многосерийный фильм
- 21.30 "Скандалы в шоу-бизнесе". Документальный фильм
- 22.30 Премьера. "Игра № 1. Краткий курс истории футбола". Документальный фильм
- 23.30 Ночные новости
- 23.30 "Гени и злодеи". "Раба любви"
- 0.05 Джеймс Белучи в остросюжетном фильме "Сахара"

- 20.30 "Во имя жизни". "O'zbektelefilm".
- 21.00 "Бахадирлар уйини".
- 21.30 "Хабарлар".
- 21.50 "Срочный вылет". Сериал.
- 22.40 Фигуралы учил. Юлдузлар чиқши.
- 23.40 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ПЕРВЫЙ

- 4.55 Телеканал "Доброе утро"
- 8.00 Новости
- 8.05 Телеканал "Доброе утро"
- 8.35 "Убойная сила". Многосерийный фильм
- 9.30 "Детективы"
- 10.05 "Малахов +"
- 11.00 Новости
- 11.15 Сериал "Талисман"
- 12.15 "Криминальная Россия". "Оперуполномоченный гвардья", 1-я серия
- 12.50 "Мошеники". Многосерийный фильм
- 14.00 Новости (с субтитрами)
- 14.20 "Лолита. Без комплексов"
- 15.10 "Доктор Курпатов"
- 15.50 "Федеральный судья"
- 17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
- 17.15 "Криминальная Россия". "Оперуполномоченный гвардья", 2-я серия
- 17.50 "Любовь как любовь". Многосерийный фильм
- 18.55 "Пусть говорят" с Андреем Малаховым
- 20.00 Время
- 20.30 Премьера. "Мошеники". Многосерийный фильм
- 21.30 "Николай Еременко. Последний пылок влюбленный". Документальный фильм
- 22.30 Теория вероятности. "Знахари"
- 23.15 Ночные новости
- 23.30 Фильм Фреда Циннеманна "Человек на все времена"
- 1.40 Сериал "Убойный отдел"
- 2.00 Новости
- 2.05 Сериал "Убойный отдел". Продолжение
- 2.35 Неизвестная плагиатка. "Возвращение пророка"
- 3.05 Спецрасследование. "Новые русские крепостные"
- 4.00 Новости
- 4.05 "Шутка за шуткой". Юмористическая программа

РОССИЯ

- 4:00 "Доброе утро, Россия!".
- 7:45 Мария Шукшина, Ярослав Бойко, Александр Абдулов, Ольга Остроумова, Татьяна Кравченко, Нина Ургант и Сергей Чонишвили в телесериале "Я тебя люблю".
- 8:50 "Американская трагедия Александра Довженко".
- 9:50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
- 10:00 ВЕСТИ.
- 10:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
- 10:50 Илья Носков, Дмитрий Дюжев, Елена Сафонова, Анна Дубровская, Ольга Погодина и Елена Полякова в телесериале "Счастливый".
- 11:50 "Частная жизнь". Ток-шоу с Владимиром Молчановым и Ликой Кремер.
- 12:50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
- 13:00 ВЕСТИ.
- 13:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.

- 2.00 Новости
- 2.05 Фильм Джеймса Камерона "Титаник". Призрак Бездны.
- 3.30 Спецрасследование. "Экстрасенсы"
- 4.00 Новости
- 4.05 Спецрасследование. "Экстрасенсы" Продолжение
- 4.30 "Шутка за шуткой". Юмористическая программа

РОССИЯ

- 4:00 "Доброе утро, Россия!".
- 7:35 Евгений Леонов-Гладышев, Людмила Шагалова, Елена Цыплакова, Наталья Бондарчук и Роза Макагонова в фильме "Взрослый сын", 1979г.
- 9:05 "Футболист Валерий Воронин. Потерять лицо".
- 10:00 ВЕСТИ.
- 10:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
- 10:50 "Комната смеха".
- 11:45 "Частная жизнь". Ток-шоу с Владимиром Молчановым и Ликой Кремер.
- 12:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
- 13:00 ВЕСТИ.
- 13:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
- 13:40 Уилл Смит, Кевин Клайн, Салма Хайек и Кеннет Брана в приключенческой комедии Барри Зонненфельда "Дикий, дикий Вест" (США), 1999г.
- 15:25 "Смехопанорама Евгения Петросяна".
- 16:00 ВЕСТИ.
- 16:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
- 16:40 "Обреченная стать звездой". Телесериал.
- 17:40 Михаил Мамаев, Виктор Вержбицкий, Инга Стрелкова-Оболдина, Эммануил Викторган, Людмила Нильская в телесериале "Волчица".
- 18:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
- 19:00 ВЕСТИ.
- 19:45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
- 20:05 "Спокойной ночи, малыши!".
- 20:15 РУССКАЯ СЕРИЯ. Мария Шукшина, Ярослав Бойко, Александр Абдулов, Ольга Остроумова в телесериале "Я тебя люблю".
- 21:20 "Дежурный по стране". Михаил Жаанецкий.
- 22:20 ПРЕМЬЕРА. Илья Носков, Дмитрий Дюжев, Елена Сафонова, Анна Дубровская, Ольга Погодина и Елена Полякова в телесериале "Счастливый".
- 23:20 "ВЕСТИ+".
- 23:40 "Честный детектив". Авторская программа Эдуарда Петрова.
- 0:10 "Синемания".
- 0:45 Одри Хелперн в музыкальной комедии "Смешное лицо" (США), 1957г.
- 2:25 "Дорожный патруль".
- 2:40 Канал "Евроносьс" на русском языке.
- 3:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

ТВ-3

- 7.30 Победоносный голос верующего.
- 8.00 Мультсериал "Гарфи". 12-я серия.
- 8.30 Мультсериал "Секреты Сабрины".
- 9.00 Мультсериал "Маска". 6-я серия.
- 9.30 Русские мультфильмы.

- 13:40 Светлана Антонова, Денис Матросов, Оскар Кучера и Татьяна Васильева в комедийном сериале "Любовь моя".
- 14:10 "Суд идет".
- 15:25 "Кулагин и партнеры".
- 16:00 ВЕСТИ.
- 16:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
- 16:40 "Обреченная стать звездой". Телесериал.
- 17:40 Михаил Мамаев, Виктор Вержбицкий, Инга Стрелкова-Оболдина, Эммануил Викторган, Людмила Нильская, Алексей Булдаков, Александр Берда, Владимир Долгинский и Анатолий Лобоцкий в телесериале "Волчица".
- 18:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
- 19:00 ВЕСТИ.
- 19:45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
- 20:05 "Спокойной ночи, малыши!".
- 20:15 РУССКАЯ СЕРИЯ. Мария Шукшина, Ярослав Бойко, Александр Абдулов, Ольга Остроумова, Татьяна Кравченко, Нина Ургант и Сергей Чонишвили в телесериале "Я тебя люблю".
- 21:20 "Завещание философа Иллина". Фильм Алексея Денисова.
- 22:20 ПРЕМЬЕРА. Илья Носков, Дмитрий Дюжев, Елена Сафонова, Анна Дубровская, Ольга Погодина в телесериале "Счастливый".
- 23:20 "ВЕСТИ+".
- 23:40 ВЕЧЕРНИЙ СЕАНС. Остросюжетный фильм "Расплата" (США), 1991г.
- 1:55 "Кинескоп" с Петром Шепотинником. Канский кинофестиваль.
- 2:55 "Дорожный патруль".
- 3:10 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. "Мистер Стерлинг" (США).

ТВ-3

- 7.30 Победоносный голос верующего.
- 8.00 Мультсериал "Гарфи". 13-я серия.
- 8.30 Мультсериал "Секреты Сабрины".
- 9.00 Мультсериал "Маска". 7-я серия.
- 9.30 Русские мультфильмы.
- 10.00 Художественный фильм "ЛЕГЕНДА БАГ-ГЕРА ВАНСА". США, 2000.
- 12.30 Художественный фильм "ТРАМ-ТАРАРАМ, ИЛИ БУХТЫ-БАРАХТЫ". Россия, 1993.
- 14.00 "Осторожно, модерн!" 20-я серия.
- 14.30 Русские мультфильмы.
- 15.00 Художественный фильм "СТРЕЛЫ РОБИНА ГУДА". Россия, 1975.
- 16.30 Художественный фильм "ТРАНЗИТ ДЛЯ ДЬЯВОЛА". 2-я серия. Россия, 1999.
- 19.00 Сериал "ГОРЕЦ-2". 5-я серия.
- 20.00 Художественный фильм "ТЕЛО".
- 22.00 Художественный фильм "СТРЕЛОК".
- 0.00 Художественный фильм "ТРИ СЛЕПЫХ МЫШОНКА". США, 2000.
- 2.00 Художественный фильм "СВОБОДА УДАРА". США, 1993.
- 4.00 Сериал "ГОРЕЦ-2". 5-я серия.

СТС

- 7.00 "КАК СКАЗАЛ ДЖИМ". Многосерийный художественный фильм. 2 серии.
- 7.50 "Смешарики". Многосерийный мультипликационный фильм.
- 8.00 "33 квадратных метра".

- 10.00 Худ. фильм "КОРОЛЬ ВОЗДУХА: БЛОК БАДИ". США - Канада, 2003.
- 12.00 Худ. фильм "ДО И ПОСЛЕ". США, 1996.
- 14.00 "Осторожно, модерн!" 19-я серия.
- 14.30 Русские мультфильмы.
- 15.00 Худ. фильм "ТРАМ-ТАРАРАМ, ИЛИ БУХТЫ-БАРАХТЫ". Россия, 1993.
- 16.30 Худ. фильм "ТРАНЗИТ ДЛЯ ДЬЯВОЛА".
- 19.00 Сериал "ГОРЕЦ-2". 4-я серия.
- 20.00 Худ. фильм "БЕГЛЕЦ". США, 1992.
- 22.00 Худ. фильм "АВАРИЙНАЯ ПОСАДКА".
- 0.00 Худ. фильм "ВРЕМЯ СТРАХА".
- 2.00 Худ. фильм "АВАРИЯ - ДОЧЬ МЕНТА".
- 4.00 Сериал "ГОРЕЦ-2". 4-я серия.

СТС

- 7.00 "КАК СКАЗАЛ ДЖИМ". Многосерийный Худ. фильм. 2 серии.
- 7.50 "Смешарики". Многосерийный мультипликационный фильм.
- 8.00 "Веселые мелодии". Многосерийный мультипликационный фильм.
- 8.30 Комедия. "МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ".
- 9.00 "НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ". Многосерийный Худ. фильм.
- 10.00 Истории в деталях.
- 10.28 Настроение с Евгением Гришковцом.
- 10.30 Комедия. "ДЕДУШКА МОЕЙ МЕНТЫ".
- 11.00 Кино на СТС. "БОЛЬШОЙ ЧЕЛОВЕК".
- 13.30 "БЕДНАЯ НАСТЯ". Худ. фильм.
- 14.30 "Соник Икс". Многосерийный мультипликационный фильм.
- 15.00 "Король Артур и рыцари без страха и упрека". Многосерийный мультипликационный фильм.
- 15.30 "Самурай Икс". Многосерийный мультипликационный фильм.
- 16.00 "Шаман Кинг". Многосерийный мультипликационный фильм.
- 16.30 "Подземелье драконов". Многосерийный мультипликационный фильм.
- 17.00 Комедия. "ЛИЗЗИ МАГАУЙЕР".
- 17.30 Комедия. "ШКОЛА ЧЕРНАЯ ДЫРА".
- 18.00 Комедия. "САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА".
- 18.30 "ЗАЧАРОВАННЫЕ". Многосерийный Худ. фильм.
- 19.30 Комедия. "ДЕДУШКА МОЕЙ МЕНТЫ".
- 20.00 Комедия. "МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ".
- 20.30 Истории в деталях.
- 20.58 Настроение с Евгением Гришковцом.
- 21.00 "НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ". Многосерийный Худ. фильм.
- 22.00 Комедия. "КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?".
- 22.30 Кино на СТС. "ЧЕСТЬ И ЯРОСТЬ".
- 0.30 Истории в деталях.
- 0.58 Настроение с Евгением Гришковцом.
- 1.00 Комедия. "КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?".
- 1.30 Детали.
- 2.30 "ТАКСИСТ". Худ. фильм.
- 3.15 Кино на СТС. "АРМЕЙСКИЕ ПРИКЛЮЧЕНИЯ".
- 4.45 "ДЕТЕКТИВНОЕ АГЕНТСТВО «ЛУННЫЙ СВЕТ»". Худ. фильм. 2 серии.

НТВ

- 5:00 Информационный канал "СЕГОДНЯ УРОМ".

- 8.30 Комедия на СТС. "МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ".
- 9.00 "НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ". Многосерийный художественный фильм.
- 10.00 Истории в деталях.
- 10.28 Настроение с Евгением Гришковцом.
- 10.30 Комедия на СТС. "ДЕДУШКА МОЕЙ МЕНТЫ".
- 11.00 "ДАША ВАСИЛЬЕВА. ЛЮБИТЕЛЬНИЦА ЧАСТНОГО СЫСКА-2". Многосерийный художественный фильм. "ЭТА ГОРЬКАЯ СЛАДКАЯ МЕСТЬ". Часть 1-я.
- 13.00 "БЕДНАЯ НАСТЯ". Многосерийный художественный фильм.
- 14.00 "ДРУГОЕ ИЗМЕРЕНИЕ". Многосерийный художественный фильм.
- 14.30 "Серебряный сервер". Многосерийный мультипликационный фильм.
- 15.00 "Король Артур и рыцари без страха и упрека". Многосерийный мультипликационный фильм.
- 15.30 "Самурай Икс". Многосерийный мультипликационный фильм.
- 16.00 "Лига справедливости". Многосерийный мультипликационный фильм.
- 16.30 "Подземелье драконов". Многосерийный мультипликационный фильм.
- 17.00 Комедия на СТС. "ЛИЗЗИ МАГАУЙЕР".
- 17.30 Комедия на СТС. "ШКОЛА ЧЕРНАЯ ДЫРА".
- 18.00 Комедия на СТС. "САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА".
- 18.30 "ЗАЧАРОВАННЫЕ". Многосерийный художественный фильм.
- 19.30 Комедия на СТС. "ДЕДУШКА МОЕЙ МЕНТЫ".
- 20.00 Комедия на СТС. "МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ".
- 20.30 Истории в деталях.
- 20.58 Настроение с Евгением Гришковцом.
- 21.00 "НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ". Многосерийный художественный фильм.
- 22.00 Комедия на СТС. "КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?".
- 22.30 Кино на СТС. "ДЖЕК-ПОТ ДЛЯ ЗОЛУШКИ". 4-я серия.
- 0.30 Истории в деталях.
- 0.58 Настроение с Евгением Гришковцом.
- 1.00 Комедия на СТС. "КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?".
- 1.30 "Кинотавр" в деталях.
- 2.00 Кино на СТС. "ТАНЦУЮЩАЯ В ТЕМНОТЕ".
- 4.30 "ДЕТЕКТИВНОЕ АГЕНТСТВО «ЛУННЫЙ СВЕТ»". Многосерийный художественный фильм. 2 серии.
- 6.10 Музыка на СТС.

НТВ

- 5:00 Информационный канал "СЕГОДНЯ УРОМ".
- 7:55 Вадим Карев и Анна Банщикова в детективном сериале "МАНГУСТ".
- 9:00 "СЕГОДНЯ".
- 9:15 "СТИХИЯ". Программа Ивана Усачева
- 9:50 Ток-шоу "ПРИНЦИП ДОМИНО".
- 10:55 "РУБЛЕВКА LIVE".
- 12:00 "СЕГОДНЯ".

- 8:00 "КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК".
- 9:00 "СЕГОДНЯ".
- 9:20 "ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ".
- 9:55 "КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС".
- 10:55 "СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...".
- 12:00 "СЕГОДНЯ".
- 12:25 Сериал "МАРШ ТУРЕЦКОГО".
- 14:35 "ОБЗОР. ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ".
- 15:00 "СЕГОДНЯ".
- 15:15 Сериал "СЫЩИКИ - 5".
- 17:30 "ОБЗОР. ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ".
- 18:00 "СЕГОДНЯ".
- 18:40 Остросюжетный сериал "СЕКРЕТНЫЕ ПОРУЧЕНИЯ".
- 19:45 Детективный сериал "ШАХМАТИСТ".
- 21:00 "СЕГОДНЯ".
- 21:40 ПРЕМЬЕРА. Людмила Артемьева в сериале "ТАКСИСТКА - 3".
- 22:45 ПРЕМЬЕРА. "ЛИГА ФУТБОЛЬНЫХ ФАНАТОВ".
- 23:20 "ВСЕ СРАЗУ!" с Петром Фадеевым
- 23:50 "ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ". Ток-шоу Татьяны Толстой и Авдотьи Смирновой. Кирилл Серебренников
- 0:45 Лоридана Кеннета в фильме "ПОЖИРАТЕЛЬНИЦА МУЖЧИН" /Италия/
- 2:25 "АНАТОМИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЯ".
- 3:10 Детективный сериал "ВЕРОНИКА МАРС" /США/
- 4:00 Сериал "ДЕДВУД" /США/

DTV

- 8.00 Мультфильмы.
- 8.30 Мультфильмы.
- 9.00 Самое смешное видео.
- 9.30 Фильм-расследование "Как уходили кумиры". "Савелий Крамаров".
- 9.55 Музыкальная программа "Неслучайная музыка".
- 10.00 Телемагазин.
- 10.30 Автоновости "Карданный вал +".
- 10.50 Русский фильм. "ТЕЛОХРАНИТЕЛЬ".
- 13.05 Самое смешное видео.
- 13.35 Приключенческий сериал "КОМАНДА «А»".
- 14.30 Детективный сериал "КРУТОЙ УОКЕР".
- 15.30 Мультфильмы.
- 16.00 Мультфильмы.
- 16.30 Фильм-расследование "Как уходили кумиры". "Савелий Крамаров".
- 16.55 Русский фильм. "ДРАГОЦЕННЫЙ ПОДАРОК".
- 18.45 Музыкальная программа "Неслучайная музыка".
- 19.00 Детективный сериал "КРУТОЙ УОКЕР".
- 20.00 Самое смешное видео.
- 20.25 Самое смешное видео.
- 20.55 Русский сериал "МУЖСКАЯ РАБОТА-2".
- 22.00 Криминальный сериал "ОКРУГ КОЛУМБИЯ".
- 23.00 Худ. фильм "ГЛУШИТЕЛЬ".
- 1.10 Автоновости "Карданный вал +".
- 1.30 Агентство криминальных новостей.
- 1.55 Приключенческий сериал "КОМАНДА «А»".

6 Сешанба

O'ZBEKISTON

- 5.55 Курсатулар дастури.
- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 8.00-8.35 "Ахборот".
- 8.35 ТВ анонс.
- 8.40 Олтин мерос.
- 8.50 "Олам ва одам" дастури: "Туюқлилар". "Болалар сайёраси".
- 9.40 1. "Уйла, Изла, Топ!" Телемусобақа. 2. "Шумтакалар". Мультсериал.
- 10.35 "Остонаси тиллодан".
- 10.55 Биржа ва банк хабарлари.
- 11.00 "Ахборот".
- 11.10 ТВ анонс.
- 11.15 "Омон бўлинг".
- 11.20 "Ишқ эртаги". Телесериал.
- 11.55 "Дил таронаси".
- 12.00 "Ахборот" (инглиз тилида)
- 12.10 ТВ анонс.
- 12.15 "Юртим бўйлаб" дастури: "Шаҳрихон". "O'zbektelefilm".
- 12.30 "Табиатни асранг". Видеофильм.
- 12.45 "Ез ифори". Телесериал.
- 13.50 Олтин мерос.
- 14.00 "Ахборот".
- 14.15 ТВ анонс.
- 14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
- 15.20 "Интеллектуал ринг".
- 16.05 "Бир ўлка-ки...".
- 16.25 1. "Санъат гунаҳлари".
- 2. "Эртақлар - яхшиликка етаклар".
- 17.00 "Ахборот".
- 17.10 ТВ анонс.
- 17.15 Эски албом.
- 17.20 "Бурч ва масъулият".
- 17.35 ТВ анонс.
- 17.40 "Умр мазмуни". 2-қисм.
- 18.00 "Агар Сиз...".
- 18.20 "Оҳанглар оғушида".
- 18.25 "Бог". Видеофильм. 2-қисм.
- 19.10 "Банк ва мижоз".
- 19.20 "Сизнинг адвокатингиз".
- 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
- 19.30 "Ахборот" (рус тилида)
- 20.00 ТВ анонс.
- 20

Чоршанба



O'ZBEKISTON

- 5.55 Курсатувлар дастури.
- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 8.00-8.35 "Ахборот".
- 8.35 ТВ анонс.
- 8.40 Олтин мерос.
- 8.50 "Олам ва одам" дастури: "Тириклик манбаи".
- "Болалар сайёраси":
- 9.40 1. "Олтин тож". Телевизион ўйин.
- 2. "Шумтакалар". Мультисериал.
- 10.45 "Банк ва мижоз".
- 10.55 "Сизнинг адвокатингиз".
- 11.00 "Ахборот".
